

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР  
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ПАХТАНИНГ МАШИНА ТЕРИМИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТЕРИМ  
ТЕХНОЛОГИЯСИГА ОИД**

**ТАВСИЯЛАР**

**Гулбахор – 2022 йил**

## **АЗИЗ АГРОНОМ ВА МУХАНДИСЛАР!**

*Шуни эсда тутингларки:*

- далаларни тўғри танлаш;
- ерларни ағдариб чуқур ҳайдаш;
- майин структурали тупроқ ҳосил қилиш;
- қисқа муддатларда ерга уруғ қадаш;
- оҳирги суғориш ва қатор ораларига ишлов беришни сифатли, обитобида ўтказиш;
- ғўза тупларини табақалаштириб чилтиш орқали уларга шакл бериш;
- ўсимликларни бўйи бараварига дефолиациялаш;
- майдонларни ўт-ўланлардан батамом тозалаш;

*Машинабон пахта етиштириш ва ҳосилни машина ёрдамида териб олиш самарадолигини кескин ошишини таъминлайдиган муҳим агротехник тадбирлардир.*

## **МАШИНА УЧУН ПАХТА ДАЛАЛАРИНИ ТАНЛАШ**

- Машиналар учун ажратилган пахта далаларининг ўртача ҳосилдорлиги 25...30 ц/га дан кам бўлмаслиги лозим.

**Кам ҳосилли далалар машинанинг иш самарадорлигини пасайтириб, етиштирилган пахтанинг таннархини ошириб юборди.**

- Далаларнинг тупроқ унумдорлиги юқори бўлиб, улар капитал текисланган бўлиши даркор.

- Далалар бегона ўтлар, айниқса ғўзага ўралиб ўсувчи ўсимликлардан тоза бўлиши керак. Бунинг учун бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши мавжуд гербицидлар билан ишлов ўтказилади.

Карталарнинг шакли тўғри тўртбурчак кўринишида, майдони камида машинанинг бир кунлик иш унумига (4-6 га) монанд бўлиб, узунлиги 500 метрдан калта бўлмасин.

### **ДАЛАНИ МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРЛАШ**

- Машина теримидан 3...5 кун аввал карталарда камида 10...12 м кенгликда қайрилиш майдончалари белгиланади, ғўза тупларидаги очилган пахта кўлда терилади, ғўзапоялар ўриб олиниб картадан ташқарига чиқарилади. Шундан сўнг қайрилиш майдончалари бульдозер ёки грейдерлар ёрдамида текисланади.

- Қаторларга тушишдан олдин механик-хайдовчи картани яхшилаб кўриб чиқиши ва уни машина теримига тўғри тайёрланганига тўла ишонч ҳосил қилиши лозим.

**Карта ичидаги суғориш ариқлари ва машина қирадиган жойлар текис бўлиши керак.**

### **МАШИНА ТЕРИМИГА АЖРАТИЛГАН ПАХТА МАЙДОНЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

- Машина теримига ажратилган пахта майдонлари таркиби малакали мутахассислардан иборат бўлган махсус комиссия томонидан қабул қилинади.

*Ажратилган майдонлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:*

*- тўртбурчак шаклига эга бўлиши;*

*- узунлиги камида 500 метр ва майдони 4-6 гектардан кичкина бўлмаслиги;*

*- ғўзалар бир текис ўсган, ҳосилдорлиги гектарига энг камида 25-30 центнерни ташиқил қилиши;*

- қўчат сони гектарига ўртача 100-120 минг туп бўлиши;
- ўсимлик бўйи ўрта толали пахталар учун 80-100 см, ингичка толали пахталар учун 110-120 см;
- ҳар бир туп гўзада 3-тадан ортиқ кўк барг ва 4-тадан ортиқ, қуруқ барг, кўсақларнинг очилиши 80 фоиздан кам бўлмаслиги;
- далалар бегона ўтлардан тозаланган бўлиши;
- машиналар учун 10-12 метр кенгликда текисланган қайрилиш майдончаси бўлиши шарт.

- Дефолиациядан ва терим олдидан ўтказилган апробация натижалари ҳамда пахта майдонларининг ҳолатини инобатга олган ҳолда хўжаликлар далаларида машина теримини ўтказиш режалари ва графиклари тузилиши, йиғим-терим ишлари шу хужжатлар асосида ташкил этилиши лозим.

## **ПАХТА ХОСИЛИНИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИШ**

- Пахта териш машиналарини ишга туширишдан олдин унинг барча қисм ва механизмларини обдон кўздан кечириш ҳамда уларга белгиланган кундалик техник хизматни кўрсатиш лозим.

**Машинани салт ҳолатда юрғизиб кўринг. Аниқланган носозликларни бартараф этинг.**

- Машинани қатор ораларига киритиб синаб кўриш, иш сифатини кўз билан баҳолаш, лозим бўлса ишчи қисмлардаги технологик тирқишларни текшириш ва созлаш талаб этилади.

**Асосий эътиборни автоматик гидрокопирнинг тўғри созланишига ва пастдаги кўсақларда пахта бўлакларини қолмаслигига қаратинг.**

- Пахтачиликнинг шимолий худудларида пахта ҳосили машиналар билан икки марта териб олинishi мақсадга мувофиқдир. Бунда биринчи

терим кўсаклар 75-80 фоиз очилганда амалга оширилиб, ундан 12-14 кун ўтгандан кейин, кўшимча 15-20 фоиз кўсаклар очилганда иккинчи терим ўтказилади.

Жанубий худудларда пахта терими кўсаклар очилиши 85-90 фоиз бўлганда бошланиб, ҳосил машиналарда бир марта териб олинади.

Бундай технологиялар ноқулай об-ҳаво бошлангунга қадар машиналарда юқори сифатли пахта териб олиш имконини беради.

Ҳар иккала ҳолда ҳам терим тўлиқлиги 90-92 фоиз бўлиши, ҳосилдорлик ўртача 30 ц/га бўлганда пахтанинг ерга тўкилиши ҳар узун метрда 15...20 граммдан ошмаслиги керак.

Терим пайтида машиналар ҳаракати доимо чап томонга буриладиган ва ўнг ғилдираги пахтаси териб олинган қатор орасидан юрадиган схемада ташкил қилинади.

**Ёндош қаторларни туташтириб турган икки қатордаги пахтани бир йўла териб олишга асло йўл кўйилмайди. Бу қоидага риоя қилинмаса туплар шикастланади ва пахта кўплаб ерга тўкилади.**

- Пахта териш машиналари ва транспорт воситаларининг сони шундай ўзаро меъёрланиши керакки, бунда йиғим-терим ва пахтани тайёрлов пунктларига топширишнинг узлуксиз жараёнига путур етмасин.

Пахта териш машиналарининг ҳар гуруҳи учун тиркамаларни шундай миқдорда кўйиш керакки, бунда пахта юкланган тиркамаларни тайёрлов пунктига олиб бориб қайтиб келгунча, даладаги тиркамалар сони машиналар терган пахтани юклаш учун етарли бўлсин. Бу мақсадда:

- ҳар бир пахта териш машинасига камида 4 та тиркама бириктириб кўйилиши шарт;

- тиркамалар сони ҳар доим жуфт бўлиши керак, зеро тиркамалар сони тоқ бўлганда юк ташиш жараёни бузилади.

- Вақти-вақти билан (ҳар куни ёки кун ора) машинанинг иш сифати назорат қилинади. Бунинг учун бир неча (4-5) қаторда тасодифий тартибда

5...6 та узунлиги 3 м дан ҳисоб бўлакчалари олинади ва шу ерлардаги тўкилган пахта териб олинади. Терилган пахтанинг оғирлиги ҳосилдорликка қараб ҳар узун метрда 15...30 грамдан ошмаслиги лозим.

- Шпинделларнинг ишчи юзалари ҳолати доимий равишда кузатиб борилади, уларга пахта ўралиб қолишига йўл қўйилмайди.

*Ғўза барги яхши тўкилмаган ва сувли бегона ўтлар бўлган далаларда шпинделларга кўп пахта ўралиб қолади. Бундай далаларда шпинделлар ва уларни намлантирувчи шечкаларни тез-тез тозалаб турунг.*

- Сервис хизматини самаралироқ кўрсатиш учун пахта териш машиналарни гуруҳларга жамлаб, бир массивда камида иккитадан агрегатни ишлатиш маъқулдир.

- Ҳосилнинг қолдиқ қисми пахта терилганидан 8...10 кун ўтгач мавжуд машиналар ёрдамида териб олиниши мумкин (бу хўжаликнинг мазкур йилдаги иқтисодий самараси ва техник имконияти билан белгиланади).

## **МАШИНАЛАРНИНГ ИШ СИФАТИНИ БАХОЛАШ**

- Ҳар бир механик-ҳайдовчининг терим сифатини ошириш ва ерга тўкилган пахта миқдорини камайтириш бўйича жавобгарлигини таъминлаш мақсадида пахтаси машиналарда териладиган майдонлар терим бошланиши олдидан, машинанинг бир кунлик иш унумига мўлжалланиб алоҳида тахталарга бўлиниши керак.

- Механик-ҳайдовчининг ишига, пахта териб олингандан сўнг, ерга тўкилган пахта миқдорига қараб умумий баҳо берилади.

**Ерга тўкилган пахтанинг миқдори умумий териб олинган пахта миқдорининг 4 фоиздан ошмаса механик-ҳайдовчига яхши, 6 фоизгача бўлганда қаноатланарли баҳо берилади.**

- Нобуд бўлган пахта миқдорини мавжуд усуллар билан аниқлаш мумкин. Кам нобудгарчиликка эришган механик-ҳайдовчини жорий рағбатлантириш миқдорини олдиндан белгилаш уни қизиқишини оширади.

- Машинада терилган пахтани тайёрлов пунктига ўз вақтида етказиш орқали пахта териш машиналарининг узлуксиз ишлашини таъминлагани учун юк ташувчи тракторчини ҳам рағбатлантириш лозим. Бунда ташилган пахта миқдори мезон қилиб олинади.

**Тавсияни ишлаб чиқувчи:**

**Лаборатория раҳбари**



**С.Усаров**